

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЭШМУРОДОВ ДИЛМУРОД ДУСМУРОД ЎҒЛИ

**ПАХТАНИ ТАБИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИ САҚЛАШ МАҚСАДИДА
ҲАВОДАН АЖРАТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Эшмуродов Дилмурод Дилмурод ўғли

Пахтани табиий хусусиятларини сақлаш мақсадида ҳаводан ажратиш
жараёнини такомиллаштириш..... 3

Эшмуродов Дилмурод Дилмурод ўғли

Совершенствование процесса отделения хлопка-сырца от воздуха с целью
сохранения его природных свойств..... 23

Eshmurodov Dilmurod Dushmanov o'g'li

Improving the process of separating raw cotton from air in order to preserve its
natural properties 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЭШМУРОДОВ ДИЛМУРОД ДУСМУРОД ЎҒЛИ

**ПАХТАНИ ТАБИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИ САҚЛАШ МАҚСАДИДА
ҲАВОДАН АЖРАТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Т1199. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://web.ttyesi.uz>) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжиев Муксин Таджиевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жуманиязов Қадам Жуманиязович
техника фанлари доктори, профессор

Саримсақов Олимжон Шарифжонович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30/12.2019.Т.08.01 – рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «17» декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжахон кўчаси, 5-уй. Тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz). Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти маъмурий биноси, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 120-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжахон кўчаси, 5-уй. Тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил «3» декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил «3» декабрдаги 120-рақамли реестр баённомаси).



И.Қ.Сабилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, т.ф.д.

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Н.Р.Ханхаджаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. «Жаҳон бозорида табиий маҳсулотлар, хусусан, пахта толасидан тайёрланган тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларига талаб доимо юқори бўлган ва жадал равишда ортиб бораётган аҳоли сон ҳисобига бу талабнинг истиқболда ортиб бориши кутилмоқда. Ҳар йили дунё миқёсида 24-25 млн. тонна атрофида пахта толаси ишлаб чиқарилади, лекин унинг йиллик истеъмоли 0,12-0,25 % га кўп. Етишмаган тола ҳажми хомашё захиралари ҳисобига қопланмоқда»¹. Пахта толасининг сифатига бўлган талабларни янада кучайиши пахта толасини жаҳон бозорида унинг рақобатбардошлилигини ошириш, замонавий ҳамда технологик жиҳатдан ишончли ва сифатли маҳсулот тишлаб чиқаришга мўлжалланган тўқимачилик саноатининг олдига энг долзарб муаммолардан бири бўлган пахта тозалаш корхоналарини янги техника ва технологиялар билан қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор беришни талаб қилмоқда. Айниқса, жаҳон пахта тозалаш соҳасида юқори самарадорликка эга бўлган янги техника ва технологияларни такомиллаштириш, амалиётга жорий қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, ресурстежамкор технологияларни яратиш га алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда пахтани дастлабки ишлашнинг техника ва технологиясини такомиллаштириш, уларнинг илмий асосларини ривожлантириш бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан пахтани ҳаводан ажратишнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш, пахтани ҳаводан ажратишнинг ресурстежамкор самарали ускуналарини яратиш, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида маҳсулот сифати ва табиий хусусиятларига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, уларни бартараф қилувчи техникавий ечимларини, пахтани тозалаш технологик жараёнида унинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаб қолишни, маҳсулот сифатини бошқара оладиган технологияларни ишлаб чиқиш, ишлаш режимлари ва кўрсаткичларини оптималлаштириш муҳим илмий-амалий масалалар ҳисобланади.

Республикамизда пахта маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун пахта тозалаш технологик машиналарини модернизация қилиш асосида пахта хом ашёсини қайта ишлаш рентабеллигини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардоршлигини ошириш бўйича кенг-кўламда чоратадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»² каби вазифалар белгиланди. Ушбу вазифани амалга оширишда, жумладан, пахтани дастлабки

¹International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. September 1

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ишлаш технологик жараёнини, муҳим бўғини - пахтани пневмотранспорт ёрдамида ташишда уни ташувчи ҳаводан самарали ажратиш олиш ускунаси конструкциясини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш муҳим масалалардан ҳисобланади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сонли «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий тадқиқот иши республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Пахта тозалаш корхоналарида янги конструкцияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, пахтани ҳаводан ажратишда сепаратор асосида иш унумини ошириш, пахтани табиий хусусиятларини сақлаб қолиш бўйича чет мамлакатларда M.D.Buser, D.I.Misyulya, D.P.Whitelock, J.K.Green, Van Dorn, K.Wise, D.Richard ва бошқа олимлар изланишлар олиб борган.

Мамлакатимизда пахта хомашёсини дастлабки ишлаш технологик жараёнидаги пневмотранспортларни такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий масалалар ҳамда методологик асосларини яратиш бўйича Р.Г.Махкамов, Х.А.Зияев, Р.М.Муродов, Б.М.Мардонов, Х.Т.Ахмадхўжаев, Ю.Д.Янгибоев, С.Қодирхўжаев, М.Т.Ходжиев, З.О.Шодиев, Х.С.Усманов, О.Т.Маматқулов, М.Салоҳиддинова, С.М.Хусанов ва бошқа олимлар изланишлар олиб борган.

Олиб борилган илмий-адабий таҳлиллар шуни кўрсатадики, пахтани ҳаводан ажратиш жараёнида пахтанинг тўрли юза билан учрашиш қисми юқорилиги, шуниндек толаларнинг ҳаво оқими билан чиқиб кетиши ҳамда пахтани тўрли юзага ёпишиб қолиши ва қирғичнинг ҳаво босими таъсирида пахтани тўрли юзадан ажратиш жараёнида ишқаланиши натижасида чигитнинг механик шикастланиши содир бўлади. Юқоридагиларни инобатга олиб, сепарация жараёнини янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда уни такомиллаштириш, пахтанинг табиий хусусиятларига салбий таъсир кўрсатмайдиган конструкциясини ишлаб чиқиш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ИОТ-2016-2-10 «Пахтани ҳаводан

ажратиш жараёнида унинг табиий хусусиятларини сақлаш қурилмаларини жорий қилиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пахта тозалаш корхоналаридаги мавжуд сепаратор конструкциясини ўрганган ҳолда янги изоляцион камерали ҳамда йўналтиргичли мосламага эга такомиллашган сепараторни ишлаб чиқиш асосида маҳсулот сифатини сақлаб қолишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахта тозалаш корхонаси технологик жараёнида пахтани ташишда қўлланиладиган пневмотранспорт қурилмаларини таҳлил қилиш;

пневмотранспорт қурилмасини пахтанинг табиий хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

мавжуд сепаратор конструкцияларини ўрганиш ва ундаги ишчи қисмларини ишлашини таҳлил қилиш;

пахтани ҳаводан ажратиш жараёнини хорижий технологияси ва техникасини таҳлил қилиш;

пахтани ҳаво оқимидан ажратиш жараёнида тўрли юзанинг пахтага таъсирини назарий тадқиқ этиш;

тўрли юзанинг пахта билан узвий боғлиқлигини қирғичнинг ишлаш ҳолатига таъсири даражасини аниқлаш;

сепараторни орқа девори юзасига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳамда пахтани табиий хусусиятларини сақлаш мақсадида йўналтиргич конструкциясини қўллаш ва уни назарий асослаш;

янги такомиллашган сепаратор қурилмасини яратиш ва унинг рационал параметрларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахтани дастлабки қайта ишлайдиган корхоналардаги пахтани пневмотранспортда ташиш жараёнида уни ҳаво оқимидан ажратиб олишда қўлланиладиган сепаратор қурилмаси олинган.

Тадқиқотнинг предметини пахта сепаратори конструкцияси, технологик кўрсаткичлари ҳамда пахтани ҳаводан ажратиш жараёни тартиблари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишида назарий, амалий, комплекс баҳолаш, назарий механиканинг Эйлер тенгламаси, математик статистиканинг тажриба натижаларини қайта ишлаш, дифференциал тенгламаларни аналитик ва сонли ечиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахтани ташувчи ҳаводан ажратиб олиш жараёни ва унга таъсир қилувчи омилларни мақсадли бошқариш йўли билан чигитни механик шикастланишини камайишига, ифлослик таркибидаги эркин тола миқдори ҳосил бўлишини олдини оладиган, 20 градусли қияликка эга бўлган ясси шаклдаги йўналтиргич ҳамда изоляцион камерали сепараторни конструкцияси ишлаб чиқилган;

пахта қатламининг оғиш бурчагини жараёнга таъсирини ўрганиш, натижасида сепараторнинг турли иш унумдорлида унинг оғиш бурчаги ҳамда қирғичнинг параметрлари билан боғлиқлиги назарий аниқланган;

пахтани ҳаводан ажратиш жараёнида такомиллаштирилган сепараторнинг йўналтиргичи таъсирида ҳаво оқимидаги пахта бўлакчаси тезлигини, Эйлер қонунияти асосида, 25-30 % камайтириш мумкинлиги исботланган;

сепаратор иш унумдорлигининг белгиланган қийматларида тажриба режаси бўйича олинган чигитнинг механик шикастланишига нисбатан, пахтадаги намликнинг улуши ва йўналтиргичнинг оғиш бурчаги параметрларини оптимал қийматлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пахтани ҳаводан ажратиш жараёнида изоляцион камера ва йўналтиргичга эга қурилмаларни қўллаш ҳисобига пахтани табиий хусусиятларини сақлайдиган такомиллаштирилган сепаратор ускунаси ишлаб чиқилган;

тўлиқ омилли тажрибавий тадқиқотлар натижалари асосида ифлослик таркибидаги эркин тола миқдори ва чигитнинг механик шикастланишини камайтирувчи ва сепаратор ресурсини параметрлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида шакллантирилган илмий ҳолатлар, тамойиллар, хулосалар ва тавсиялар, назарий ва тажрибавий тадқиқотларга, апробация ва қўллаш натижаларининг ижобийлигига, шунингдек, натижаларни солиштириш, давлат стандарт талаблари, баҳолаш меъзонлари ва уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва кўриб чиқиладиган фан соҳасидаги маълумотлари билан қиёсий таҳлилга кўра асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сепаратор камерасида пахта ва ҳаво ҳаракати, пахтани ташувчи ҳаводан ажратиш жараёни математик моделларининг пахтани сепарацияси назарий асосларини муайян даражада ривожлантириш ва бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти изоляцион камера ҳамда йўналтиргич мосламасига эга бўлган сепараторни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тўлиқ омилли тадқиқотлар асосида сепаратор параметрларининг оптималлаштирилганлиги ва ишлаб чиқаришда амалий синов натижаларига кўра чигитни механик шикастланиши ва ифлослик таркибидаги эркин толаларни камайганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахтани ҳаводан ажратишда қўлланиладиган такомиллашган янги сепараторни ишлаб чиқиш тадқиқотлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахтани ҳаводан ажратувчи изоляцион камерали ва йўналтиргичли сепаратор қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга потентлари олинган («Чигитли пахта учун сепаратор», №FAP 01317-2018; «Чигитли пахта сепаратори», №FAP 01396-2019). Натижада бундай такомиллаштирилган сепараторни қўлланилишида ифлослик таркибидаги эркин толаларни мавжудга нисбатан 36,4% камайишига, ҳамда чигитнинг механик шикастланиши мавжудга нисбатан 16,5 % камайишига эришилган;

пахтани ҳаводан ажратувчи такомиллаштирилган сепаратор қурилмаси «Пайариқ кластер» МЧЖ га қарашли «Челак пахта тозалаш» корхонасида ишлаб

чиқаришга жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖ тугатиш лойиҳа офисининг 2021 йил 19-майдаги №ФТ-18/1051-сонли маълумотномаси). Натижада чигитнинг механик шикастланиши ўртача навларда 1,62 %га камайишига эришилган;

пахтани ҳаводан ажратувчи такомиллаштирилган изоляцион камерали сепаратор қурилмаси «Bahor Chance Textile» МЧЖ га қарашли «Когон пахта тозалаш» корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган. («Ўзпахтасаноат» АЖ тугатиш лойиҳа офисининг 2021 йил 19-майдаги №ФТ-18/1051-сонли маълумотномаси). Натижада, ифлослик таркибида эркин толаларни пайдо бўлиши пахтанинг I –II навларида 0,31 % дан 0,20 % га ҳамда III-IV-V навларда эса 0.64% дан 0,41 % га камайишига эришилган.

пахтани ҳаводан ажратувчи такомиллаштирилган йўналтиргичли сепаратор қурилмаси «Сурхондарё Агрохизмат» МЧЖ га қарашли «Шеробод пахта тозалаш» корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган. («Ўзпахтасаноат» АЖ тугатиш лойиҳа офисининг 2021 йил 19-майдаги №ФТ-18/1051-сонли маълумотномаси). Натижада, жараёнда чигитнинг механик шикастланиши пахтанинг I, II, III, IV, V навларида ўртача 1,62 % га камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 14 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан, 3 та халқаро, 11 та Республика конференцияларида муҳокамадан ўтказилган. Шунингдек, тадқиқот натижалари бўйича яратилган янги сепаратор намунаси «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси» кўргазмаларида намойиш этилган (2016-2018 й.й.) ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ўтказилган BEST IP-2019 кўрик танловида ҳамда «2020 йилга энг яхши 20 та стартап лойиҳалар» танловида ғолиб бўлган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси хорижий журналларда илмий мақолалар нашр этилган, булардан 2 таси Scopus халқаро базасида индексация этилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан фойдали моделга 2 та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пахтани ҳаводан ажратиш технологик жараёнини ва ускуналарни таҳлили”** деб номланган биринчи бобида пахтани дастлабки ишлаш жараёнида пахтани ҳаво оқимидан ажратиб олувчи пневмотранспорт тизими ҳамда унинг асосий қурилмаси ҳисобланган сепаратор конструкциялари ва уларни такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинган.

Илмий тадқиқотларда пневмотранспорт тизимида пахтани ҳаво оқими билан ташиш ва сепарация жараёнида пахта хом ашёсини шикастланиш даражасини, сепараторнинг ишчи органларини пахта сифатига таъсирини ўрганиш, пневмотранспортда ҳаво босимининг ўзгаришини сепаратор қурилмасига боғлиқлигини ўрганиш, тўрли юза билан сидиргич ўртасидаги боғлиқликни тола йўқолишига таъсирини, ҳаво оқимида ташилаётган пахтанинг шикастланиш даражаси ва қурилманинг иш унумдорлигига пахтанинг намлигига боғлиқлигини, пахтани турли материаллар билан таъсирлашиш жараёнида шикастланишини бўйича чуқур таҳлил қилинмаган. Шунингдек, пахта таъсирлашадиган юзанинг қиялик бурчагини пахта сифатига таъсирини ўрганиш, тўрли юзани фойдали юзасини ошириш, тўрли юзани пахта пахтани тозалаш самарадорлигига таъсирини ўрганиш, сепараторнинг толада ҳосил бўладиган нуқсонларга таъсирини ўрганиш, сепаратор вакуум – клапанида пахтанинг ҳаракатини ўрганиш, пахтани ҳаво оқимидан инерция кучи ёрдамида ажратиб олиш жараёнини ўрганиш, янги сепараторларни яратиш ва ишчи органларини такомиллаштириш бўйича қатор масалалар кўрилган. Лекин, сепараторга йўналтиргич ва изоляцион камера ўрнатиш орқали пахтани сепаратор ишчи камерасига кириш қисмида тезлигини камайтириш орқали пахтанинг табиий хусусиятлари сақлаб қолиниши ҳамда сепаратор тўғри девори узоқ муддат ишлаши таъминланаши, пахтани тўрли юза билан тўқнашадиган қисмига изоляцион камера ўрнатиш орқали ифлослик таркибида эркин толалар камайиши мумкин. Пахта хомашёсини сепаратор тўрли юзасидан ажратиш жараёнлари, тўрли юзадаги қатлам қалинлиги, пахта бўлакчасининг ташқи босим, қирғич таъсирида ҳаракатини ўрганиш бўйича чуқур назарий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертациянинг **“Пахтани ҳаводан ажратиш жараёнини такомиллаштириш бўйича ўтказилган назарий изланишлар”** деб номланган иккинчи бобида пахта хомашёсини сепаратор тўрли юзасидан ажратиш жараёнларининг назарий тадқиғи, пахта бўлакчасининг ташқи босим ва қирғич таъсирида ҳаракатини ўрганиш ва ундаги тола тутамида ҳосил бўладиган тарангликни ҳисоблаш, сепаратор йўналтиргичи ҳолатини кўрсаткичларига ҳаво оқимининг таъсири ва сепаратор камераси йўналтиргичи таъсирида пахта бўлакчасининг ҳаракати назарий асосланган.

Ушбу ишда пахта хомашёси билан қопланган қатламдан ўтувчи пахта оқими ҳаракатланиш жараёни кўриб чиқилган. Бундай қатлам тўрли юза бўйлаб узлуксиз сўриляётган пахта оқими таъсирида ҳамда хомашёни қирғич билан ажратиш натижасида ҳосил бўлади. Қатламнинг қалинлиги юза бўйлаб ўзгарувчан бўлиб, унинг катта қиймати қирғич яқинида бўлади, бунинг натижасида хомашё ўз оғирлиги натижасида юзадан ажралиб вакуум-клапан

зонасига тушади. Юза бўйлаб маркази O нуқтада бўлган қутб координат системаси $(r, \bar{\theta})$ ни танлаймиз. Қатлам қалинлиги фақат θ га боғлиқ бўлсин ва уни $h = h(\bar{\theta})$ белгилаймиз. h – тўрли юзадаги пахтанинг қалинлиги, бурчак $\bar{\theta}$ қирғичнинг бирор ҳолатидан ҳисобланади ва у вақт t га боғлиқ бўлади.

Пахта хомашёси тезлиги ва зичлигининг тўрли юза бўйлаб тақсимланиш қонунларини назарий ўрганиб чиқилган. Хомашё оқимининг ҳаракати фақат бурчак йўналишида бўлганлиги, учун унинг тезлиги v_n бурчак θ га боғлиқ деб қаралган.

Қирғич таъсирида қатламда уни бурчак θ нинг ўзгаришига боғлиқ бурчак хомашёдаги босимни p_n билан белгиланган. 1-расмда ажратилган OAB элементнинг тўрли юза бўйлаб ҳаракатланишида унга юза сирти томонидан Кулон кучи $f(p - p_0)Sd\theta$ ($S = \pi(R^2 - R_0^2)$) таъсир этади, $ds = R_c d\theta$ элементнинг MM_0 ёй бўйлаб стационар ҳаракати учун Эйлер тенгламаси тузилди:

$$\rho v_n S_0 \frac{dv_n}{ds} = -\frac{d(S_0 p_n)}{ds} - f S_0 (p - p_0) \quad (1)$$

Бу ерда $S_0 = h(\theta)(R - R_0)$ - маркази M нуқтада бўлган қатламнинг кесим юзаси.

Ушбу тенгликдан фойдаланиб, тезликни $A < 1$ ҳол учун босим орқали ифодасини аниқлаймиз:



$$v = v_{n0} [1 - A(p - p_{n0})] \quad (2)$$

сўнгра босимнинг зичлик орқали ифодасини топамиз

$$p_n = p_{n0} + \frac{1}{A} \left(\frac{\rho_n}{\rho_{n0}} - 1 \right) \quad (3)$$

Ушбу ифодалар ёрдамида қатлам қалинлиги \bar{h} ни бурчак θ нинг ошқормас функциясида аниқланади.

$$\theta = \frac{1}{\lambda} \left[\frac{C + m}{m} \ln \frac{\bar{h}m + C}{m + C} - 2(\bar{h} - 1) \right] \quad (4)$$



2-Расм. Қутб бурчаги θ нинг параметр Q_n нинг ҳар хил қийматларида хомашё қатлами қалинлиги h/h_n га боғлиқлик графиклари

2-расмда тўрли юзадаги пахта хомашёси қатлами қалинлигининг бурчак θ га боғлиқлик графиклари параметр A иккита қийматида келтирилган.


Ҳисобларда $h_0 = 0.03\text{м}$, $R = 0.05\text{м}$, $\rho_0 = 10\text{кг/м}^3$, $\rho_n = 80\text{кг/м}^3$, $\omega = 15\text{с}^{-1}$, $f = 0.2 \bar{p}_0 = 10$ қийматлар қабул қилинган.

Графиклар таҳлилидан хомашё қатламининг қалинлиги, босим (3) каби бурчак θ га нисбатан чизиқли қонунга биноан ўзгариши кузатилади. Агар $\theta = 0$ да хомашё қалинлиги h_0 берилса, у ҳолда 2-расмдаги графиклардан фойдаланиб, ихтиёрий бурчакда унинг қалинлигини ҳисоблаш мумкин бўлади. Масалан $A = 0.001\text{Па}^{-1}$ ($K = 1/A = 10^3\text{Па}$) да $h_0 = 0.03\text{м}$ олинса, у ҳолда, қирғич сиртидаги хомашё қалинлиги $h_n = 0.0833\text{м}$ га тенг бўлиб, тўрли юза бўйлаб тарқалган хомашё сарфи $Q_n = 1250\text{кг/с}$ га тенг бўлади, Агар $A = 0.005\text{Па}^{-1}$, ($K = 1/A = 5 \cdot 10^2\text{Па}$) га тенг бўлса, яъни хомашё ҳажмий модули камайган ҳолда қирғич сиртидаги қалинлиги ва хомашё сарфи камайиши, яъни $h_n = 0.066\text{м}$ ва $Q_n = 900\text{кг/с}$ қийматларни қабул қилади.

Агарда тўрли юза бўйича пахтанинг қалинлиги h_0 бир хил деб қабул қилсак, унда:

$$h_0 = \frac{Q_0}{\pi\omega(R^2 - r^2)[2\pi - \alpha + 2V\Delta p_0(\pi - \alpha)]} \quad (5)$$

Марказий бурчакка α (град) нисбатан ҳар хил босим ўзгариши Δp_0 (Па) ва иш унумдорлигига Q_0 (кг/час) тўрли юзадаги пахтанинг қалинлиги ўзгариши акс этирилган (3-расм).




3-расм. Турли хил иш унумдорлиги Q_0 (кг/соат) ва босим ўзгариши тўрли юзадаги пахтанинг қалинлиги бўйича таъсири графиги

Δp_0 (Па): 1 – Па = 1050, 2 – Па = 1100, 3 – Па = 1150, 4 – Па = 1200

Ҳисоб-китобларда $R = 0.5\text{м}$, $r = 0.045\text{м}$, $V = 0.0001\text{м}^2/\text{Н}$, $\omega = 15\text{с}^{-1}$ қийматлари қабул қилинган.

3-расмда $Q_0 = 12000\text{кг/соат}$ иш унумдорлигидаги k параметрининг турли қийматлари бўйича h_0 кўрсаткичнинг α бурчакка нисбатан графиклар кўрсатилган. Ҳисоб-китобларга қараганда, пахта қатламининг қалинлиги h_0 босим ўзгаришига деярли таъсири йўқ. Шунинг учун ҳисоб-китоблар Па = 1050-1200 қиймати бўйича ўтказилган. Графикда кўрсатилганидек, пахта қатламининг қалинлиги оғиш бурчаги k ва ушбу кўрсаткичнинг $k_m = 1/(2\pi - \alpha)$ қийматига яқинлашиши билан кескин ошиши кузатилади.

Ҳаво оқимининг сепаратордаги ҳаракатини ўрганиш ва унинг аэродинамик параметрларини аниқлаш учун оқимнинг кесим юзаси ўзгариши қувурда горизонтал ҳаракатини кўриб чиқамиз.



4-расм. Ҳаво оқимининг кесим ўзгарувчи қувур Q ни ҳаракати схемаси

Ҳаво оқимининг зичлигини ўзгармас деб қабул қиламиз. Бундан ташқари, ҳар бир ҳудуд ABCE ва BDEK доирасида ҳаво оқими ҳаракати бир ўлчовли деб қабул қиламиз. У ҳолда ҳар ҳудудда ҳаво оқимининг ҳаракатини Эйлер тенгламаси ёрдамида ёзиш мумкин ABDE доирасида; (1-ҳудуд).

$$\rho_1 v_1 S_1 \frac{dv_1}{ax} = - \frac{d(S_1 p_1)}{ax}$$

$$0 < x < l$$

(6)

BDEK
(2-ҳудуд)

доирасида;



$$\rho_2 v_2 \frac{dv_2}{ax} = - \frac{dp_2}{ax} \quad l < x < l_1 \quad (7)$$

Босим учун $x = l$ кесимда унинг қийматини қуйидагича аниқлаймиз.

$$p_2 = p_1(l) = \frac{b_0}{b_0 - kl} p_0 \left[1 - \frac{Q_0^2}{L^2 b_0^2 p_0 \rho_0} \left(\frac{kl}{b_0 - kl} \right) \right] \quad (8)$$

$$p_0 = 1200 \text{ Па}$$

$$p_0 = 1000 \text{ Па}$$



5-расм. Ҳаво оқими босимининг чегаравий бурчак $\alpha = 25^\circ$, бошланғич босимнинг иккита ва ҳаво сарфи Q ($\text{м}^3/\text{сек}$) нинг ҳар хил қийматлари ўзгаруши x га нисбатан ўзгариш графиклари 1 - $Q = 10.$, 2 - $Q = 11.$, 3 - $Q = 12.$, 4 - $Q = 13.$, 5 - $Q = 14.$, 6 - $Q = 15.$

5-расмда келтирилган графиклар аэродинамик жараённи узлуксиз стационар ҳолда қувурда ҳавони узатишни таъминлаш учун оғиш бурчаги α чегаравий қийматини аниқлаш имконини беради. Масалан: $b_0 = 0,5\text{ м}$, $l = 0,5\text{ м}$, олинганда, $Q = 15\text{ м}^3/\text{сек}$ ҳаво сарфини стационар ҳолатда


$p_0 = 1000 \text{ Па}$ босимда узатиш учун чегаравий бурчак учун $\alpha < 35^\circ$ тенгсизлик ўринли бўлиши лозим, яъни стационар ҳолатни таъминлаш учун α бурчак қийматини 35° дан кичик олиш керак. Узатиш шу босимида ҳаво сарфи $Q = 10 \text{ м}^3/\text{с}$ бўлса, у ҳолда чегаравий бурчак учун $\alpha < 40^\circ$ тенгсизлик ўринли бўлиши лозим, бу ҳолда бурчак $\alpha < 40^\circ$ дан кичик олинса ҳам бўлади.

$$x = x_2 = v_0 - (v_0 - v_{1n})[1 - \exp(-2nt)]/2n \quad (9)$$

Сепаратор камерасида пахта бўлакчаси ҳаракатини тадқиқ этишда унинг йўналтиргич чизиғи билан тўқнашув бўлмаслигини таъминлайдиган бурчак α танлаб олинган. Йўналтиргичнинг бундай оғиш бурчагида пахта бўлакчаси бу зонада йўналтиргич чизиғида зарба таъсири ҳосил бўлмайди. Ҳисоб жараёнида қўйидаги параметрлар қабул қилинган. $L = 1.1 \text{ м}$, $l = 0.5 \text{ м}$, $b_0 = 0.5 \text{ м}$, $n = 0.35$, $\rho_0 = 1.2 \text{ кг}/\text{м}^3$, $\rho_1 = 50 \text{ кг}/\text{м}^3$, $Q_n = 12000 \text{ кг}/\text{соат}$.

$$\alpha = 25^\circ$$

$$\alpha = 15^\circ$$



6-расм. Сепаратор камерасида бўлакчанинг йўналтиргичсиз (1 чизиқлар) ва иккита α нинг қийматларида (2 чизиқлар) ҳаракат тезлигининг вақт бўйича ўзгариши


6-расмда бўлакча тезлигининг сепаратор камерасида ҳаракати тезлигининг вақт бўйича ўзгариш графиклари α нинг иккита қийматида келтирилган. Йўналтиргичнинг горизонт билан ташкил этган бурчаги ошганда бўлакча тезлиги ошиши ҳамда козирекнинг жойлашиши бўлакча тезлигининг қисман камайтириши мумкинлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг «**СС-15А Сепараторини такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида таклиф этилаётган изоляцион камера ва йўналтиргичли СС-15А сепараторини ишлаб чиқаришда дастлабки синаш натижалари келтирилган.

Изоляцион типдаги қирғич конструкцияси кириш зонасидан олдин бўшлиқ зонаси ҳосил қилади. Бўшлиқ зонасида ҳавони сўриш ва уни босим кучи камайиб, пахтани тўрли юзага босувчи куч миқдори нолга тенг бўлади.

Ушбу кучнинг нолга тенг бўлиши тола билан тўрли юза орасидаги F_2 ишқаланиш кучини камайтиради. Бу эса ўз навбатида пахтани тўрли юзадан ажратиш кучи бўлган F_1 кучини камайтиришга олиб келади. Бундан кўриниб турибдики, ушбу янги мосламаларни амалга тадбиқ этиш пахтанинг табиий хусусиятларини сақлашга ва эркин толалар миқдорини камайишига олиб келади.

Таклиф этилаётган такомиллаштирилган пахта учун сепаратор кирувчи ва чиқувчи тармоқ қувурлари бўлган, пастки қисмида вакуум-клапан ўрнатилган корпусдан таркиб топган бўлиб, корпус ичида тешик-тешик тўр бўлган цилиндрсимон камера жойлаштирилган. Тўрға чиқувчи тармоқ қувур тутушган ва камера ичида узатмали валга маҳкамланган куракча жойлаштирилган. Валда тўрнинг ташқи томонида изоляцион камера маҳкамланган бўлиб, у марказий бурчаги $\alpha=25-30^\circ$ бўлган сектордан иборат.



1- корпус; 2. патрубк; 3- ажралган ҳаво чиқадиган қувур; 4-вакуум-клапан;
5-ишчи камера; 6-тўрли юза; 7- вал; 8-қирғич; 9-изоляцияцион камера

7-расм. СС-15А сепараторига ўрнатилган янги мосламанинг умумий, кўндаланг, аксонометрик ва бўйлама қирқим кўриниши


Изоляцион камеранинг куракча қаршисида жойлашган ён томони валда куракча билан бир сатҳда маҳкамланган, изоляцион камеранинг ён томонлари бўйлаб эса тўрға туташган резинали чўткалар маҳкамланган. Чўткаларнинг баландлиги $h=6-12$ мм келади, изоляцион камералар металлдан бажарилган.

Такомиллаштирилган сепараторда тадқиқотлар ўтказилиши натижасида танлаб олинган қўшимча қурилма изоляцион камерага эга сепараторда асосан пахтани табиий хусусиятларидан толани чиқиш даражасини ошириш, ифлослик таркибидаги эркин толаларни кўпайишини олдини олиш ва чигитни механик шикастланиш даражасини камайтириши кузатилди. Бироқ қуритиш барабанининг юқори қисмидаги ва перевалкадаги сепараторда ВЦ-12 вентилятор ишлатилганлиги сабабли, ҳаво орқали келаётган пахта юқори тезликда сепараторнинг тўғри деворига бориб урилиши кузатилмоқда. Бунинг натижасида тўғри деворнинг ейилишига, ишдан чиқиши ва таъмирланиши, шунингдек ушбу жойда чигитни механик шикастланиши янада ошириб кетиши кузатилмоқда.

Сепараторларни кириш қисмида пахта қатлами унинг тўғри орқа деворига катта тезликда бориб урилмаслиги ва вакуум-клапаннинг ишчи узунликлари бўйича тенг тақсимланиб, вакуум-клапанга тушаётган пахтани табиий хусусиятларини сақлаш асосий мақсад деб олинди. Мавжуд сепараторларда пахта оқими сепарация камерасига қувур орқали 12-15 м/с тезлик билан келади. Натижада, пахта массасини сепаратор орқа деворига куч билан урилишига сабаб бўлади. Бу эса чигитларнинг механик шикастланишига, сепаратор орқа деворини

тез ейилишига ва сепараторнинг ишлаш давомийлигини камайишига олиб келадиган камчиликлардан ҳисобланади.

СС-15А сепараторидаги ҳаво орқали келган пахтани тўғри деворга урилишини ва пахта оқими тезлигини, 3-4 м/с га камайтирган ҳолда вакуум-клапанга йўналтириш орқали сепараторнинг ички деворининг юзаси ва вакуум-клапанни ишдан чиқишини, шунингдек чигитни механик шикасланишини олдини олиш ҳисобига пневмотранспортни узоқ муддат ишлашини таъминлайдиган сепаратор яратиш ушбу илмий ишнинг асосий мақсади ҳисобланади.



1- пахта билан ҳаво кирадиган қувур; 2. сўрувчи қувур; 3- йўналтиргич;
4-қирғич; 5-тўрли юза; 6,9- вал; 7-сепараторнинг орқа девори;
8-вакуум-клапан 10-резинали паррак.

8-расм. Такмиллашган сепараторнинг қўндаланг, бўйлама ва катталаштирилиб кўрсатилган кўриниши

Таклиф этилаётган қурилманинг моҳияти шундан иборатки, сепаратордаги пневмоқувурдан кирувчи ажратиш камерасининг ичига ўрнатилган йўналтиргич билан жиҳозланган бўлиб, бу узатиб берилаётган пахта хомашёси йўналишини ўзгартиришга имкон беради. Пахта хомашёси ажратиш камерасига кириш зонасига қувур орқали узатилганда, ўрнатилган йўналтиргич пахта хомашёси йўналишини сепараторнинг орқа деворига эмас, балки пахта хомашёсининг кучайган ўраш зонасига, яъни тўрли юзанинг марказий қисмига ўзгартиришга имкон беради.

Сепаратор камерасининг киришида йўналтиргич ўрнатилган. Бунда йўналтиргич қалинлиги $\delta = 2$ мм келадиган металл листдан ботик учбурчак шаклида тайёрланган ҳамда ўз ўқи атрофида тебранадиган қилиб ўрнатилган. Ундан ташқари, йўналтиргичнинг кириб келадиган пахта ҳаракатланишининг марказига нисбатан айланиш бурчаги $\alpha = 25^\circ \div 35^\circ$ ни ташкил қилади. Йўналтиргич тўрли юзага нисбатан ϵ зазор билан ўрнатилган бўлиб, бу тирқиш 10-20 мм ни ташкил қилади, бунда йўналтиргичнинг узунлиги $L = 360-370$ мм га тенг.

**Uster HVI 1000 лаборатория ускунасида аниқланган сифат
кўрсаткичларини натижалари**

№	HVI 1000 аниқлайдиган сифат кўрсаткичларини номланиши	Ғарамдан олинган пахта ДЛ-10 жинида жинлангандан куйинги толаси	СС-15А сепараторидан кейин олинган пахта ДЛ-10 жинида жинлангандан куйинги толаси	Такомиллаштирилган СС-15А сепараторидан кейин олинган пахта ДЛ-10 жинида жинлангандан куйинги толаси
1	Len - (Узунлиги), (1,0-1,8) дюйм	1.145	1.140	1.143
2	Unf - (Узунлиги бўйича бир текисдалик индекси), (75-85) %.	84.8	84.3	84.6
3	SFI - (Калта тола индекси), (2-20) %	6,9	7.4	7.0

Ушбу маълумотларни тасдиғи ўрнида бир хил нав, намлик ва ифлосликдаги пахтани қуритиш барабанининг юқори қисмидаги ҳозирги кундаги мавжуд сепаратордан олдинги ва кейинги қисмидан намуналар олиб, уни ДЛ-10 лаборатория жинида жинланиб, толасини Uster HVI 1000 лаборатория ускунасида Len, Unf, SFI кўрсаткичлари, яъни Len - юқори ўртача узунлик, Unf - узунлик бўйича бирхиллик индекси ва SFI - калта толалар индексияси текширилди. Натижалар 1-жадвалда келтирилган.

**Uster HVI 1000 сифат кўрсаткичлари ҳақида
маълумот**



**9-расм. Uster HVI 1000 лаборатория ускунасида Len, Unf, SFI
кўрсаткичлари келтирилган**

Тадқиқотлар натижасида, Uster HVI 1000 лаборатория ускунасида юқори ўртача узунлик (Length) текширилганда бунтдан олинган пахтанинг толасида ўртача 1.148 дюйм бўлган бўлса, сепаратордан кейин олинган пахтанинг

толасида 1.140 дюйм ни ташкил қилди, яъни камайиши кузатилди. Шунингдек, узунлик бўйича бир хиллик индекси (Uniformity index) текширилганда бундан олинган пахтанинг толасида ўртача 85,0 % бўлган бўлса, сепаратордан кейин олинган пахтанинг толасида 84,4 % бўлиши кузатилди, яъни бунда ҳам умумий намунадаги барча толаларни ўртача узунлиги камайиши кузатилди. Бундан ташқари, калта толалар индекси (Short fiber index) ушбу лаборатория ускунасида текширилганда, мавжуд сепаратордан кейин олинган пахтанинг толасида 7,4 % бўлиши кузатилган бўлса, таклиф этилган сепаратордан сўнг бу кўрсаткич 7,0 % гача камайиши кузатилди. Умумий таҳлиллар натижасида такомиллаштирилган изоляция камера ва йўналтиргичли СС-15А сепараторини ишлаб чиқаришга қўллаш бўйича тавсия берилди.

Диссертациянинг «**Янги такомиллашган сепараторни ишлаб чиқаришда синаш**» деб номланган учинчи бобида Изоляция камерали ҳамда йўналтиргичли такомиллашган сепараторни ишлаб чиқаришда синаш, такомиллаштирилган сепараторни технологик кўрсаткичларини рационал қийматларини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришда қўллашдан олинадиган иқтисодий самарадорликни ҳисоби натижалари келтирилган.

Пахта тозалаш корхоналаридаги сепараторларда пахтанинг табиий хусусиятларини сақлаб қолиш мақсадида, яъни чигитнинг механик шикастланишини кириш қувуридаги ҳавонинг тезлигига, йўналтиргичнинг оғиш бурчагига ва иш унумдорлигига таъсирини ўрганиш учун керак бўлган математик моделларни кўриб чиқамиз. Бунинг учун тажрибада пахтанинг намлиги 9 % ва 16 % бўлгандаги иш унумдорлиги ва йўналтиргични оғиш бурчагини чигитнинг механик шикастланишига таъсир жараёнини кўрамиз. Кирувчи факторлар сифатида пахтанинг намлиги, йўналтиргичнинг оғиш бурчаги, иш унумдолиги олинган. Параллел тажрибалар ўтказиш режаси 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал


Кирувчи омиллар ва уларнинг ўзгариш чегараси

№	Омилнинг номи, белгиси	Кодлаштирилган белгиси	Омилнинг ҳақиқий қийматлари			Ўзгариш оралиғи
			-1	0	+1	
1	Пахтанинг намлиги, %	x_{11}	9/10	12,5/13,5	16/17	3,5
2	Козирокнинг оғиш бурчаги, градус	x_{21}	15/10	22,5/17,5	30/25	7,5
3	Иш унумдорлиги, т	x_{31}	10/8	12,5/10,5	15/13	2,5

*омилнинг ҳақиқий қийматлари сурат ва махраж кўринишида, 1 ва 2 параллел тажрибалар натижалари асосида келтирилган.

Пахтани ҳаводан ажратувчи сепараторда чигитни механик шикастланиши (чиқувчи омил-у) учун регрессия тенгламаси келтирилган:

$$y=1.268-0.831x_1+0.053x_2+0.029x_3+0.0218x_1x_2-0.0156x_1x_3-0.0218x_2x_3-0.0268x_1x_2x_3$$



10-расм. Иккинчи омил X_2 нинг биринчи омил (а-максимал $X_1=1$) ва (б-минимал $X_1=-1$) бўлганда чиқиш параметри $\bar{y}=\bar{y}_0$ нинг ҳар хил қийматларида учинчи омил X_3 билан боғлиқлик графиги

Регрессия тенгламасидан фойдаланиб, чиқувчи параметрнинг турли қийматларида фазовий сиртни тузиш ва унинг ёрдамида жавоб функциянинг максимум минимумга эришадиган нуқталарини аниқлаш мумкин. Бундай масалани ечиш одатда оптималлаштириш масаласига олиб келади. Чиқиш параметри (ҳажм зичлиги) нинг ҳар хил қийматларида ва $X_1=1$, $X_1=-1$ бўлганда хосил бўлган графиклар 10-расмда келтирилган.

Регрессия тенгламасидан фойдаланиб, чиқувчи параметрнинг рационал қийматларини таъминловчи кириш параметрларини турли вариантдаги қийматларини, шунингдек, тажрибадаги кириш параметрларида шундай режимни амалга ошириш учун зарур бўлган диапазонини аниқлаш мумкин бўлади.

Шундай қилиб агар чиқиш параметри $y_0 = 1.26\%$ (чигитнинг механик шикастланиши) танланган учинчи омил иш унумдорлиги $x_3 = 14$ т/соат, биринчи омил (намлик, фоизда) $x_1 = 13.2\%$ бўлганда иккинчи омил (йўналтиргичнинг оғиш бурчаги, градус) қиймати $x_2 = 20^\circ$ г тенг бўлади.

Тажриба синов ишлари «Пайариқ кластер» МЧЖ га қарашли «Челак пахта тозалаш», «Bahor Chance Textile» МЧЖ га қарашли «Когон пахта тозалаш» ва «Сурхондарё Агрохизмат» МЧЖ га қарашли «Шеробод пахта тозалаш» корхоналарида ўтказилди.

Асосий таҳлил қилиш объекти сифатида чиқинди таркибига қўшилиб кетаётган эркин тола миқдори танланиб, уни миқдорини аниқлаш учун қуйидаги услубдан фойдаланилди. Пахта тозалаш корхоналарини ҳар бир технологик жараёнига ҳаво транспорти орқали чиқаётган толали чиқиндиларни 1×1 мм ли тўрли юза орқали 1 соат вақт давомида ушлаб қолинди ва қоғоз қопда йиғиб, 0,01 гр аниқликда оғирлиги аниқланди. Сўнг ушбу чиқинди таркибидан барча толаларни ажратиб олинди. Қолган қисми ифлос аралашмалар бўлиб, уни оғирлиги ҳамда толаларни оғирлиги аниқланди. Чигитни механик шикастланиш даражаси эса О‘zDSt 598:2008 техник чигит, намуна танлаб олиш усуллари ва О‘zDSt 597:2008 техник чигит, нуқсонли чигитнинг массавий улушини аниқлаш стандартидаги мавжуд услуб асосида аниқланди.

3-жадвал

**СС-15А ҳамда такомиллаштирилган сепараторда ўтказилган синов
натижалари**

Пахта нави	Ифлослик таркибидаги эркин толалар миқдори, %		
	Пахтанинг ифлослик ва намлик даражаси, %	Мавжуд СС-15А сепаратор, %	Такомиллаштирилган СС-15А сепаратор, %
I	З=2,05 W=8,6	0,26	0,17
II	З=2,05 W=8,6	0,37	0,23
III	З=3,98 W=10,92	0,51	0,31
IV	З=6,8 W=13,5	0,63	0,41
V	З=11,4 W=16,5	0,78	0,52


4-жадвал

Пахта нави	Чигитнинг механик шикастланиш миқдори, %		
	Пахтанинг ифлослик ва намлик даражаси, %	Мавжуд СС-15А сепаратор, %	Такомиллаштирилган СС-15А Сепаратор, %
I	З=2,05 W=8,6	1,32	1,08
II	З=2,05 W=8,6	1,41	1,21
III	З=3,98 W=10,92	1,52	1,38
IV	З=6,8 W=13,5	2,07	1,87
V	З=11,4 W=16,5	3,38	2,57

Такомиллаштирилган СС-15А сепараторига изоляцион камера ва йўналтиргични ўрнатган ҳолда ишлаб чиқаришда кенг қамровли тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар асосан икки турдаги сепараторларда: биринчиси такомиллаштирилган ва иккинчиси ҳозирда ишлаб чиқаришда кенг қўлланилаётган СС-15А сепараторида ўтказилди. Натижалар 3-4 жадвалларда келтирилган.


Ўтказилган тажрибалар асосида олинган натижаларни график усулда ифодаланган. 4.3-расмда келтирилган графикни таҳлил этганимизда, СС-15А русумдаги сепараторда ажралиб чиқаётган чиқинди таркибидаги эркин тола миқдори такомиллаштирилган сепараторда чиқаётган эркин тола миқдоридан ўртача 30-40% га кўп эканлиги кўриниб турибди. Демак, СС-15А сепараторида тўрли юза билан қирғич орасида пахта толасини узилиши рўй бериб, натижада

узилган тола ҳаво оқими билан тўрли юза тешигидан ўтиб, чанг ушлагичга бориб йиғилади [62; 369-373 б.].



4.3-расм. Сепараторда пахтанинг саноат нави бўйича чиқинди таркибидаги эркин тола миқдори

1-тақомиллаштирилган СС-15А сепараторда; 2-мавжуд СС-15А сепараторида.



4.3-расм. Сепараторда пахтанинг саноат нави бўйича чигитнинг механик шикастланиш миқдорини ўзгариши.

1-тақомиллаштирилган СС-15А сепараторда; 2-мавжуд СС-15А сепараторида.

4.4-расмда СС-15А сепаратори билан тақомиллаштирилган сепараторни чигитнинг механик шикастланиш даражасига таъсири келтирилган. Ушбу графикдан кўришиб турибдики, пахтанинг саноат навлари ўзгариши билан чигитнинг механик шикастланиш даражаси ошиб боради: I-саноат навли пахтада чигитни механик шикастланиш миқдори 1,32 % дан 1,08% га; II-саноат навли пахтада 1,41% дан 1,21 % га; III-саноат навли пахтада 1,52% дан 1,38 % га; IV-саноат навли пахтада 2,07% дан 1,87% га; V-саноат навли пахтада 3,38 % дан 2,57 % га тақомиллашган сепаратор орқали ўзгариши кузатилган.

Ишлаб чиқаришда ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, таклиф этилаётган тақомиллаштирилган изоляцион камерали ва йўналтиргичли сепараторда чигитни механик шикастланиши ва ифлослик таркибидаги эркин толаларни камайиши натижасида 1 мавсумда пахта тозалаш корхонасидаги 4 дона сепаратордан йилига 379350,26 минг сўм иқтисодий самарага эришилди.

ХУЛОСА

Республика ва хорижий мамлакатларда пахтани ҳаводан ажратишда қўлланиладиган сепаратор қурилмасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари таҳлил қилинди ва таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Республика ва хорижий мамлакатларда пахтани ҳаводан ажратишда қўлланиладиган сепараторлар бўйича ўтказилган аналитик таҳлиллар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, тўрли юзага ёпишган пахта ҳаво босими таъсирида кўшимча босим кучи ҳосил қилиб, ушбу кучга асосан пахта билан тўрли юза орасидаги ҳосил бўлувчи ишқаланиш кучини ошишига олиб келади.

2. Ҳаво сарфи маълум бўлганда, унинг тезлигини аниқлаш учун дифференциал тенглама олинди. Пахта ҳомашёси ғовак муҳит кўринишида бўлиб, фильтрация қонунига кўра, ҳаво тезлиги босим градиенти орқали аниқланди. Масалан хусусий ҳолда, тўрли юза бўйлаб босим қатлам қалинлигига нисбатан чизиқли ўзгарса, ҳаво сарфи кутб бурчагига пропорционал бўлади.

3. Назарий изланишлар натижасида пахта қатламининг баландлиги h ва φ бурчаги қийматлари босим ўзгаришига боғлиқлик даражаси аниқланиб, бу кўрсаткичларни k параметри кўрсаткичига боғлиқлиги ўрганилди. Натижада изоляцион камерали сепаратор яратилишига асос солинди.

4. Йўналтиргич таъсирида пахта бўлакчаси сепаратор деворига урилиш тезлигининг камайиши мумкинлиги назарий асосланди. Ҳисоблар таҳлилидан йўналтиргични сепаратор камерасида ўрнаштирилиши қабул қилинган параметрларда пахта бўлакчаси тезлигини камайтириш мумкинлиги исботланди.

5. Сепаратор тўрли юзасидан пахтани қирғич ёрдамида ажратиб олиш жараёнида пахта қатламини тўрли юзага таъсир этувчи босим кучини нолга тенглигини таъминловчи изоляцион камера ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида ифлослик таркибидаги эркин тола миқдори саноат навлари бўйича мавжуд сепараторга нисбатан 36,4% камайишига эришилди.

6. Пахта оқимини сепаратор орқа деворидаги зарба кучи таъсирини камайтириш мақсадида камеранинг кириш қисмида пахтани йўналтирувчи махсус йўналтиргич мосламаси ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида чигитни механик шикастланиши саноат навлари бўйича мавжуд сепараторга нисбатан 16,5 % га камайишига эришилди.

7. Ишлаб чиқаришда ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, таклиф этилаётган такомиллаштирилган изоляцион камерали ва йўналтиргичли сепараторда чигитни механик шикастланиши ва ифлослик таркибидаги эркин толаларни камайиши натижасида 379350,26 минг сўм иқтисодий самарага эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ЭШМУРОДОВ ДИЛМУРОД ДУСМУРОДОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА ОТДЕЛЕНИЯ ХЛОПКА- СЫРЦА
ОТ ВОЗДУХА С ЦЕЛЬЮ СОХРАНЕНИЯ ЕГО ПРИРОДНЫХ СВОЙСТВ**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.2.PhD/T1199.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (<http://web.ttyesi.uz>) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Хаджиев Муксин Таджиевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Жуманиязов Кадам Жуманиязович
доктор технических наук, профессор

Саримсақов Олимжон Шарифжонович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Джизакский политехнический институт

Защита диссертации состоится «17» декабря 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 03/30/12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 222-я аудитория, тел.:(+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за №121). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5, тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «3» декабря 2021 года.
(реестр Протокола рассылки №121 от «3» декабря 2021 года).

И.К.Сабилов

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н.,

А.З.Маматов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.Р.Ханхаджаева

Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. «Ожидается, что в будущем спрос на натуральные продукты на мировом рынке, особенно на текстильные изделия и продукцию легкой промышленности из натурального хлопкового волокна, будет расти в связи с постоянно высоким и интенсивно растущим населением. Ежегодно в мире вырабатывается 24-25 миллионов тонн хлопкового волокна, но дефицит его годового потребления составляет более 0,12-0,25 %»¹. Усиление требований к качеству хлопкового волокна требует повышение ее конкурентоспособности в мировом рынке, в производства надёжных и качественных изделий текстильная промышленность ставит перед собой самую актуальную проблему перевооружение предприятий хлопкоочистительной промышленности новыми техниками и технологиями. Особенно, внедрение на практику высокоэффективных техник и технологий, путём реконструкции и модернизации хлопкоочистительной промышленности, улучшение качеств изделия, создание ресурсосберегающих технологии и мировой хлопкоочистительной отрасли остается один из важных задач.

В мировой практике проводятся широкомасштабные исследования по совершенствованию техники и технологии первичной обработки хлопка-сырца. В этой сфере в частности ставятся задачи создания эффективной технологии для отделения хлопка от воздуха, разработке эффективной и ресурсосберегающих устройств. На производстве особенно важными факторами являются в каждом этапе производства определить отрицательные значения влияющих факторов на качество и количество выпускаемой продукции а также решение их технического устранения, при технологическом процессе отделения хлопка от воздуха с целью их исходных данных, разработать технический процесс, который может контролировать качество продукции, провести работы по оптимизаций режимов и показателей работы.

В стране принимаются масштабные меры по повышению рентабельности переработки хлопка-сырца и конкурентоспособности выпускаемой продукции, на основе модернизации технологических хлопкоочистительных машин для производства и развития хлопковой продукции. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы ставит такие задачи, как «... повышение конкурентоспособности национальной экономики, ... снижение энерго- и ресурсопотребления в экономике, повсеместное внедрение энергосберегающих технологий в производстве»². При реализации данной задачи, в том числе в технологическом процессе первичной обработки хлопка, в частности, при транспортировке хлопка пневмотранспортом, важно усовершенствовать конструкцию и обосновать параметры эффективного воздуходелительного оборудования.

¹International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. September

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнения задач, предусмотренных Указом Президента от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», Постановления Кабинета Министров от 28 ноября 2017 года № ПП-3408 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления хлопковой промышленностью». способствует реализации постановления от 31 марта 2013 г. № 253 «О дополнительных мерах по организации деятельности хлопковой и текстильной промышленности и кластеров» и других задач, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан по направлению: II. «Энергетика, энерго и ресурсосбережение».

